

# ДОРИ – ДАРМОН ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

50-Б – сонли

Навоий шаҳри

2022 йил 26 январь

Кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритиладиган “Навоий Дори-Дармон” АЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи бошқарув раиси Г.Р.Орзиев бир томондан ва бундан бўён матнда “Харидор” деб аталувчи Кармана ТТБ номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи **Б.Я.Базаров** иккинчи томондан, кейинчалик “Томонлар” деб аталади, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1. Сотувчи Харидорнинг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ти Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3953-сонли Карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 2019 йил 15 ноябрда тасдикланган “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар Рўйхати”га асосан дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни етказиб беришни, **Харидор** эса уларни қабул қилиб олиш ҳамда ҳақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммаларига оладилар.**

**1.2. Шартноманинг умумий баҳоси 3 038 346 (уч миллион ўттиз саккиз минг уч юз кирқ олти) сўмни ташкил этади, бу суммага транспорт харажатлари кирмайди.**

## II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ МАҲСУЛОТ СИФАТИ

**2.1. Сотувчи Харидорга Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни (бундан кейин матнда “Маҳсулот” деб номланади) етказиб беради.**

**2.2. Маҳсулот томонларнинг ўзаро келишуви асосида тузилган Спецификация асосида сотилади, ушбу Спецификация шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.**

**2.3. Маҳсулот тарафларнинг оғзаки келишувига кўра Сотувчининг транспортида Харидорнинг манзилига етказиб берилади.**

**2.4. Харидор Сотувчига етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўлайди.**

## III. МАҲСУЛОТНИ ЖЎНАТИШ ШАРТЛАРИ

**3.1. Сотувчи Харидор шартнома баҳосининг 30% тўловини олдиндан тўлаб берган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунида **Харидорга** маҳсулотни етказиб беради.**

**3.2. Маҳсулотни етказиб бериш Сотувчи томонидан **Харидор** кўрсатган манзил ёки шахсга топшириш йўли билан амалга оширилади. Маҳсулотни топшириш санаси этиб ҳисобфактура (накладной)нинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва имзоланган санаси ҳисобланади.**

**3.3. Харидор маҳсулотларни ўз транспортида олиб кетади. Маҳсулотни юклаш ва жўнатиш билан боғлик барча харажатлар **Харидорнинг** зиммасига юклатилади.**

**3.4. Харидор гиёхванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун олинган тегишли маҳсус рухсатномалари (лицензия нусҳаси ва ички ишлар органининг маҳсус рухсатномаси)ни тақдим этиши шарт. Иш жараёнида, заруриятдан келиб чиқкан ҳолда, Томонларнинг оғзаки келишувига кўра мазкур тоифадаги маҳсулотлар Сотувчининг транспортида **Харидорнинг** манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.**

#### **IV. ҲИСОБ – КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**4.1.** Ҳаридор шартноманинг умумий баҳосидан 30% олдиндан тўлагандан сўнг Сотувчи томонидан маҳсулот етказиб берилади. Қолган 70% суммани Ҳаридор маҳсулот олган санадан бошлаб 10 банк иш куни давомида тўлаб бериши шарт.

**4.2.** Ушбу шартнома асосида тўловлар Ҳаридор томонидан Сотувчининг банкдаги ҳисоб рақамига пул кўчириш орқали амалга оширилади.

#### **V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**5.1.** Мазкур шартномани бажармаганлик ва (ёки) лозим даражада бажармаганлик учун айборд тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ тўлайди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-I-сон “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25 – 32-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-хуқукий жавобгарлик, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176<sup>1</sup>, 212-моддаларида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик чораларига тортилади.

**5.2.** Маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари кечикирилганлиги учун Сотувчи кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

**5.3.** Етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда Ҳаридор кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4% миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

**5.4.** Сотувчининг ҳисоб фактурасида маҳсулот солинган кутиларни (тара) қайтарилиши белгиланган бўлса, кутилар 15 календар кун ичидаги қайтарилиши керак. Ушбу муддат 15 кун ва ундан кўп вақт (кунлар) кечикирилганда, қайтарилмаган кутилар қийматидан 150% жарима солинади.

#### **VI. ФОРС – МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

**6.1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон билан тасдиқланган “Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган ҳолатларда Томонларда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаса, улар жавобгарлиқдан озод этиладилар.

#### **VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

**7.1.** Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низолар Томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

**7.2.** Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган барча низолар Кармана туманлараро иктисадий судида ҳал қилинади.

**7.3.** Ушбу шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда шартнома Томонлар розилиги билан бекор қилинади.

#### **VIII. БОШҚА ҲОЛАТЛАР**

**8.1.** Шартнома Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, тегишли Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал киласди.

**8.2.** Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда Томонлар томонидан тузилиб, уларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб тегишли Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

**8.3.** Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тартибга солинади.

8.4. Mazkur shartnomaga ikkala taraflar uchun bir xil yuridik kuchga ega bo'lib, ikkala nusxada davlat tiliida tuzilgan.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### “Сотувчи”

#### “Навоий дори -дармон” АЖ 210100

Манзили: Навоий шаҳри, Навоий кӯчаси, 65-  
уй

Тел: 0(436)224-54-51, 224-27-36

X/p: 20208000000306028001

ТИФ Миллий Банк Навоий бўлими

МФО: 00196

СТИР: 200000034

ОКЭД: 46460

### “Харидор”

#### Кармана туман тиббиёт бирлашмаси

Манзили: Кармана тумани, Тошкент кӯчаси,  
28а-уй

Тел: 79-532-41-86

X/p: 100022860122347073101054001

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ХККМ

СТИР: 200035250

МФО: 00014

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Кармана туман Ғазначилик бўлими

X/p: 23402000300100001010

Тошкент шаҳри Марказий банк

СТИР: 201122919

МФО: 00014

Бошқарув раиси

Р.Орзиев

Рахбар

Б.Базаров



Приложение к договору поставки товаров № 50-Б от 26.01.2022 г. заключенного между

Поставщиком: "Навоий Дори-Дармон" АЖ , в лице председателя правления Орзиев Гулом Ризаевич, действующего на основании Устава

с одной стороны и

Получатель Кармана ТТБ  
в лице  
действующего на основании

с другой стороны

**С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я**

20.01.2022 г.

1. Поставщик обязуется поставить, а Покупатель принять и оплатить следующие товары:

№	Наименование медикаментов	Ед.Из м.	Кол-во	Цена отпускная	Сумма Сумма	НДС		Всего
						%	Сум	
1	Спирт пищевой ЛЮКС 96,54% ("BIOKIMYO" AJ)	кг	120,00	22 017,00	2 642 040,00	15%	396 306,00	3 038 346,00
Всего					2 642 040,00		396 306,00	3 038 346,00

Предоплата 30 %

Оплата оставшейся суммы спецификации производится покупателем в течении 30 календарных дней с момента отпуска товара

**Итого к оплате: Три миллиона тридцать восемь тысяч трехста сорок шесть сум 00 тийин**

2. Настоящая спецификация составлена в двух экземплярах, имеющим одинаковую юридическую силу, по одному для каждой из сторон.

3.  
Подпись  
и  
сторон:

Савдо  
ва  
ахборот  
бўл.бо  
шлифи

от Поставщика

от Покупателя

М.П.

М.П.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyihaning turi**

Xo‘jalik shartnomasi

**2. Loyihaning nomi**

Dori-darmon yetkazib berish shartnomasi

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot**

Karmana tumani tibbiyot birlashmasi. 21.01.2022-y.

**XULOSA**

Shartnomalar loyihasi O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, 1998-yil 29-avgustdagagi 670-I-son “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuni, 2021-yil 22-apreldagi O‘RQ-684-son “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953-sonli “O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 24-avgustdagagi 241-sonli “Budget tashkilotlari va budget mablag‘lari oluvchilarning xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to‘lashi mumkin bo‘lgan tovarlar (ishlar, xizmatlar)ning turlari ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi tomonidan Moliya vazirligi bilan kelishgan holda 2019-yil 15-noyabrda tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953-sonli qaroriga asosan davlat buyurtmachilari tomonidan to‘g‘ridan-to‘g‘ri shartnomalar bo‘yicha xarid qilinadigan dori vositalari va tibbiyotda qo‘llaniladigan buyumlar Ro‘yxati”ga asosan ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



U.Doliyev  
21.01.2022-y.